

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ



ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзДК ректори

К.Уринбаев

«27» июль 2020 й.

«КЕЛИШИЛДИ»

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



« » » 2020 й.

«КЕЛИШИЛДИ»

Маданият вазирлиги



« » » 2020 й.

5150700 – Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) таълим йўналиши
негизидаги:

- 5A150702 - Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар)

магистратура мутахассислигига қирувчилар учун махсус (ихтисослик)
фанларидан

ДАСТУР

Тошкент - 2020 й.

Дастур 5A150702 - Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5150700 – Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Касимов Р.Қ. – ЎзДК “Мақом чолғу ижрочилиги” кафедраси мудири,
профессор

Шорахметов Ш.Ш. – ЎзДК “Мақом чолғу ижрочилиги” кафедраси
доценти

Дастур Ўзбек мақом санъати факультетининг 2020 йил 30 июндаги 11 - сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

5150700 – Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) бакалаврият таълим йўналиши – маданият ва санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, у анъанавий мусиқа санъати жанрларини ўзбек миллий чолғуларида амалий ижро этиш билан боғлиқ ижодий фаолиятни шакллантиришга ва ундан оқилона фойдаланишга, соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликнинг вазифаси - талабалар билимларини чуқурлаштириш ва анъанавий мусиқа санъати жанрларини ўзбек миллий чолғуларида амалий ижро этиш билан боғлиқ ижодий фаолиятни шакллантиришга ва ундан оқилона фойдаланишга, соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларини кенг тарғиб этиш орқали ижодий масалаларни ечиш, бадиий ечимларни ноталар ва оҳанглар ёрдамида тасвирлаш бўйича ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5A150702 - Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5150700 – Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) таълим йўналиши негизидаги 5A150702 - Чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 3 та ихтисослик фанлари: “Анъанавий чолғулар”, “Чолғу ансамбли маҳорати”, “Анъанавий ижрочилик тарихи” бўйича тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

АНЪАНАВИЙ ЧОЛҒУЛАР фани бўйича:

Анъанавий чолғулар мутахассисларига қўйиладиган асосий талаблар.

Чолғу мусиқасини, ўзбек бастакорлик ижодига хос катта ва кичик шакллардаги турли жанрлардаги мусиқий асарларни яқка ижрочилик қоидаларини юқори даражада бажариш; чолғуда юксак ижрочилик маҳоратини мукамал ва чуқур ўзлаштириш.

Шашмақом, Тошкент-Фарғона ва Хоразм мақомлари, мумтоз асарлар; анъанавий мусиқа санъати ривожининг тарихий босқичлари, унинг халқ касбий мероси ва ижоди билан боғлиқлиги; анъанавий чолғу ижрочиси – ижодий шахс шаклланишига педагогик таъсир кўрсатувчи йўналишлар, шакллар ва усуллар ҳақида тасаввурга эга бўлиш; чолғу созлари бўйича ўз ижро услубига эга бўлган устозлар ижроларини; мақом ижрочилик услубларини, нота матни ёзувларини, мураккаб усулларни билиши ва улардан фойдалана олиш; чолғу созини ўзлаштириш, оддийдан мураккабга қадар мусиқий асарларни нота матни бўйича эркин ўқий олиш; турли таркибдаги ансамбллар билан ишлаш; Шашмақом чолғу ва ашула йўлларидаги туркумли асарларни моҳирона ижро

эга олиш; Шашмақом чолғу ва ашула йўлларидаги туркумли асарларни анъанавий ижрочиликка хос безакларда ижро этиш кўникмаларига эга бўлиш.

ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ МАҲОРАТИ фани бўйича:

Чолғу ансамбли маҳорати бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш учун қўйиладиган талаблар.

Кириш. Катта ва кичик шакллардаги муסיқий асарларни жамоавий ижрочилик қоидаларини уйғунлаштирган ҳолда юқори даражада бажариш; чолғуда юксак ижрочилик техника санъатини мукамал ва чуқур ўзлаштириш.

Ансамбл ижрочилигига хос ўзбек халқ муסיқаси; чолғуларнинг техник ва ифода имкониятлари; ансамбл ва яккахон иштирокчиларнинг бадий ва техник имкониятлари, овоз регистрлари хусусиятлари, чолғулар регистрлари, уларнинг тесситураси ва диапозони, хонандалар, режиссёрлар билаш ишлаш услубиёти; чолғу ижрочилиги ва унда ижрочилик педагогикаси тарихи, чолғу ижрочилигини ўқитиш услубиёти, ижрочилик санъати ва муסיқий таълим соҳаларидаги замонавий ютуқлар; ансамблларининг турли таркиблари, ансамбл ижрочилиги; ансамбл учун ёзилган асарлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК ТАРИХИ фани бўйича:

Анъанавий ижрочилик тарихни билишга қўйиладиган талаблар.
XX - XXI аср санъат усталарининг ижро услублари; анъанавий ижрочилик йўналишининг таракқиётида “устоз-шогирд” тамойили; турли муסיқий танловларнинг анъанавий ижрочиликдаги ўрни; минтақавий (Хоразм, Фарғона-Тошкент, Бухоро-Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё) ижрочилик мактаблари, уларнинг ўзаро таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлиш; анъанавий ижрочиликнинг минтақавий (Хоразм, Фарғона-Тошкент, Бухоро-Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё) йўлларида куйлаш; замонавий санъат усталарининг ижрочилик йўлларини билиш ва улардан фойдалана олиш; муסיқий меросни анъанавий ижрочилик тамойилларига кўра талқин қилиш кўникмаларига эга бўлиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Қодиров Н. “Анъанавий чолғу ижрочилиги”, Т. 2017
5. Қосимов Р. “Анъанавий чолғу ижрочилиги” Т., "Муסיқа", 2016
6. Матякубов М. “Қўшнаё” Т., 2014
7. Холтожиев А. “Анъанавий қонун чолғуси ижрочилиги” Т., 2005
8. Самадов Р. “Анъанавий доёра ижрочилиги” Т., 2004.
9. Тошпўлатова И. “Анъанавий дутор ижрочилиги” Т., 2004.
10. Қосимов Р. “Анъанавий танбур ижрочилиги” Т., 2002.
11. Собиров А. “Наё наволари” Т., 2000.
12. Матёкубов О. «Мақомот». – Т., «Муסיқа», 2004.
13. Ражабий Ю.Шашмақом. – Т., 2007.
14. Ражабий Ю. «Шашмақом I, II, III, IV, V, VI». – Т., 1958- 1982
15. Фитрат А. “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи”. – Т., 1993